



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 10 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 10

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№10 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-10>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Mashrapov Madorbek Zoxidbek o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AVTOMOBIL YO‘LLARI SOHASIDA DAVLAT BOSHQARUVINI MA‘MURIY-HUQUQIY TARTIBGA SOLISH.....	5
<b>2. Хошимова Юлдузхон Олимжонова</b> СТОИМОСТЬ ТОВАРНОГО ЗНАКА В СИСТЕМЕ НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ: ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА.....	15
<b>3. Овулов Пўлатжон Илхом ўғли</b> ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ, ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА.....	23
<b>4. Шукурова Малика Шахобидинова</b> ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	33
<b>5. Umarov Abbosjon Asliddin o‘g‘li</b> SUG‘URTA BOZORINI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA SUG‘URTA FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY MECHANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH.....	45
<b>6. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59
<b>7. Maxmudov Alisher Abdusalimovich</b> YEVIROPA PROKURATURASI – ERKINLIK XAVFSIZLIK VA ODIL SUDLOV KAFOLATI..	66
<b>8. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ.....	73
<b>9. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich</b> FIRIBGARLIK JINOYATIDA SUN‘IY INTELLEKT JINOYAT SODIR ETISH VOSITASI SIFATIDA: QONUNCHILIK, AMALIYOT VA MUAMMOLAR.....	82
<b>10. Баракаев Лазизжон Отакулович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	93
<b>11. Имомназаров Алишер Хасанович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ЎРНИ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO НИСБАТИ ТАҲЛИЛИ.....	103
<b>12. Қурбонов Шухратжон Шавкатжонович</b> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МОДДИЙ(ФАКТИК) АСОСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ.....	113



**Сафаев Мансурбек Илхомжонович,**  
 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
 академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР  
 АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ**

**For citation:** Safaev Mansurbek Ilkhomjanovich. THE NEED TO ORGANIZE THE ACTIVITIES OF PROSECUTOR'S OFFICES ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 10.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17353179>

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура фаолиятининг халқаро стандартлари таҳлил қилинади. Прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни, мустақиллиги, холислиги ва ҳисобдорлиги халқаро стандартлар нуқтайи назаридан ўрганилади. Халқаро прокурорлар ассоциацияси (ХПА) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан ишлаб чиқилган прокуратура фаолияти бўйича халқаро стандартлар, уларнинг принциплари ва амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинади. Шунингдек, халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари ва жинойий одил судловни таъминлашга оид асосий халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТ ва Европа Кенгаши резолюциялари, халқаро конвенциялар ва прокурорлар касбий этикасига оид халқаро ҳужжатлар кўриб чиқилади. Мақолада прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка мослаштириш ва уни самарали жорий этиш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** прокуратура, халқаро стандартлар, прокурор мустақиллиги, одил судлов, жинойий одил судлов, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, халқаро ҳуқуқ, прокурор этикаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

**Сафаев Мансурбек Илхомжонович,**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной  
 Академии Республики Узбекистан  
 E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

**НЕОБХОДИМОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ  
 НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются международные стандарты деятельности правоохранительных органов, в частности прокуратуры, в условиях глобализации. Анализируется роль прокуратуры в защите прав человека, её независимость,

беспристрастность и подотчётность с точки зрения международных стандартов. Рассматриваются международные стандарты деятельности прокуратуры, разработанные Международной ассоциацией прокуроров (IAP) и Управлением ООН по наркотикам и преступности (UNODC), их принципы и механизмы реализации. В статье анализируются ключевые международные документы по обеспечению прав человека и уголовного правосудия, в том числе резолюции ООН и Совета Европы, международные конвенции и документы, регулирующие профессиональную этику прокуроров. Представлены рекомендации по адаптации международных стандартов деятельности прокуратуры в национальное законодательство и их эффективной имплементации.

**Ключевые слова:** прокуратура, международные стандарты, независимость прокурора, справедливое правосудие, уголовное правосудие, права человека, верховенство закона, международное право, этика прокурора, правоохранительные органы.

**Safaev Mansurbek Ikhomjanovich,**  
Independent researcher of the Law Enforcement  
Academy of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

## THE NEED TO ORGANIZE THE ACTIVITIES OF PROSECUTOR'S OFFICES ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

### ANNOTATION

This article examines the international standards governing law enforcement agencies, particularly the prosecution service, in the context of globalization. It analyzes the role of prosecutors in protecting human rights, their independence, impartiality, and accountability from the perspective of international legal standards. The study explores international prosecutorial standards developed by the International Association of Prosecutors (IAP) and the United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC), their principles, and implementation mechanisms. Key international legal instruments on human rights protection and criminal justice, including UN and Council of Europe resolutions, international conventions, and prosecutorial ethics guidelines, are reviewed. The article provides recommendations on adapting and effectively implementing international prosecutorial standards into national legal frameworks.

**Keywords:** prosecution, international standards, prosecutorial independence, fair justice, criminal justice, human rights, rule of law, international law, prosecutorial ethics, law enforcement agencies.

Глобаллашув даврида бутун дунёда жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида, иқтисодиётда, сиёсатда, тиббиётда, таълим соҳасида, шу жумладан ҳуқуқий соҳада интеграция жараёнлари кузатилмоқда, бунинг натижасида турли давлат органлари, таълим, тиббиёт ва бошқа муассасалар фаолияти учун кўплаб “ягона қоидалар, протоколлар, стандартлар, шаблонлар” шакллантирилади. Масалан, халқаро ҳуқуқда одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартлари, ҳуқуқбузарларга нисбатан муомаланинг халқаро стандартлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мақсаддор шахслар томонидан куч ва ўқотар қуролни қўллашнинг халқаро стандартлари ва бошқалар пайдо бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, халқаро стандартлар бир кечада пайдо бўлмаган, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши бутун инсониятнинг узок тарихи давомида кечган, ва баъзида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг оммавий ва қўпол бузилиши билан боғлиқ эди.

Ваҳоланки, инсон ҳуқуқлари халқаро нормалар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган бўлиб, бу юридик ҳимоя ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг барча жабҳалари, хусусан прокуратура органларига ҳам тааллуқлидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш — прокуратура органлари ишининг муҳим қисми, дейиш мумкин, чунки улар ўз вазифаларини бажараётганда инсон ҳуқуқларини нафақат ҳурмат қилиши, балки уларни фаол ҳимоя қилишлари ҳам зарур. Бундан ташқари, демократикҳуқуқий давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали иши,

уларнинг инсон ҳуқуқларига қай даражада ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этишига боғлиқ. Яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабат, инсон ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан муҳофаза қилиниш даражаси демократик жамият кўрсаткичи ҳисобланади.

Афсуски, дунёнинг аксарият давлатлари тарихида давлатнинг ўзи, унинг давлат органлари ва мансабдор шахслари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилаётган, тинчлик, инсониятга қарши жиноятлар ва ҳарбий жиноятлар субъекти бўлган қора саҳифаларни учратиш мумкин. Иккита жаҳон уруши даҳшатлари ва фожиалари, ғайриинсоний қийноқлар, зўравонликлар, тиббий тажрибалар, айниқса аёллар ва болаларга нисбатан қўлланилиши, бутун халқларнинг фақат маълум бир миллат, динга мансублик асосида йўқ қилиниши, ҳарбий асирлар ва маҳбусларга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлиш, бўғувчи ва захарли газлар ва бошқа тақиқланган уруш воситалари ва усулларидан фойдаланиш, норозиликни бостириш ва давлат идоралари томонидан бошқа ваҳшийликларни содир этиш учун турли жазоловчи органларнинг ташкил этилиши бутун инсониятга инсон ҳаётининг қадри ва аҳамиятини кўрсатди.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида нацистлар Германияси раҳбарлари устидан Нюрнберг трибуналининг ўтказилиши, 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши бутун инсоният тарихида, хусусан, ҳуқуқшунослик тарихида ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлган воқеага айланди. Иккита жаҳон уруши даҳшатлари ва фожиаларини бошидан кечиргандан кейингина инсоният инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш зарурлигини англаб етди.

Тадқиқотлардан бирида таъкидлаб ўтилганидек, “1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва (ёки) унинг таъсири остида мазкур қоидалар киритилган”, шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ирқидан жинси, ранги, териси, миллати, қатъи назар, барчанинг қонун олдида тенглиги, холис одил судлов, муҳофаза ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари, уй-жой, ёзишмалар, музокаралар ва ҳоказолар белгилаб берувчи умуминсоний конвенциялар ва декларациялар қабул қилинди, бу жинсий иш юритиш соҳасида асосий ҳуқуқий кафолатлар сифатида хизмат қилиб, давлат органларининг шахс ва унинг ҳуқуқларига нисбатан ўзбошимчаликларига йўл қўйилмаслиги зарурлигини кўрсатди. БМТ ва минтақавий тусдаги бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро универсал қоидалар ичида БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А(Ш) резолюцияси билан қабул қилинган ва 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси[1] ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт [2], БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 19 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг факультатив протоколи [3], БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 15 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив протоколи[4] етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, 1984 йилги Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция[5], БМТ Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари[6] (1955 йилда БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар бўйича Конгресси томонидан қабул қилинган ва БМТ 1957, 1977, 1984 йилларда ўтказилган Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан тасдиқланган), Ҳар қар қандай шаклда ушлаб туришга ва қамокда сақлашга дуч келган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари мажмуи[7] (БМТ Бош Ассамблеясининг 1988 йилдаги резолюцияси билан қабул қилинган), 1990 йилги Қамок олиш билан боғлиқ бўлмаган шахслар учун БМТнинг минимал стандарт қоидалари[8], Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар[9] (“Пекин қоидалари”) (1990 йилдаги Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга муносабат бўйича БМТ Конгресси томонидан қабул

қилинган), 1950 йил Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциялар ва уларнинг 1-12-сонли баённомалар ва бошқа минтақавий даражадаги ҳужжатлар, Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича куч ва ўқ отар курулларни қўллашнинг асосий тамойиллари[10] (Гаванада бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ва ҳуқуқбузарларга муносабат бўйича саккизинчи Конгрессида, 1990 йил 27 август — 7 сентябрда қабул қилинган), ва бошқалар. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, шаъни ва кадр-қимматини эъзозлаш барча давлат органлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятининг асосий йўналишига айланди, бу Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, тавсиявий характерга эга бўлган, бевосита прокуратура органлари фаолиятига тегишли бўлган қуйидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин:

Прокуратура ходимларининг касбий маъулияти стандартлари ва асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг Декларацияси [11];

БМТ Бош Ассамблеясининг “Прокуратура органларининг поклиги ва виждонлилигини ошириш ва салоҳиятини ривожлантириш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш” резолюцияси;

Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли тамойиллар[12];

Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг ўзининг ҳулқ атвор кодекси [13];

Ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқ отиш курулини қўллаш бўйича БМТ асосий тамойиллари.

Юқоридаги ва бошқа кўплаб халқаро ҳужжатлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура фаолияти учун зарурий ва ажралмас асос, фундамент бўлиб хизмат қилмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда бутун дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда UNODC деб юритилади) маълумотларига кўра бугунги кунда халқаро миқёсда трансмиллий (28,5 %) ва уюшган жиноятчилик (26,3 %), шунингдек кибер (18,4 %) ва иктисодий жиноятларнинг (26,8 %) ортиши ҳам кузатилмоқда [14].

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик доирасида жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва олдини олиш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, МДҲ иштирокчи-давлатларининг Бош прокурорлари мувофиқлаштирувчи Кенгаши маълумотларига асосан, мазкур минтақада 2020 йил биринчи чоракнинг ўзидаёқ қарийб 800 мингта жиноят рўйхатга олинган. Шу жумладан, мазкур кўрсаткич 2019 йил худди шу давр учун давлатлар кесимида Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон, Арманистон, Россия Федерациясида 4-70 % ўсиш даражасини ташкил этган.

Республикамизда сиёсий барқарорликни, тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар нафақат миллий хавфсизликни мустаҳкамлашга, балки давлатлараро ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Прокуратура органлари қонунлар ижросини назорат қилишга масъул” ва бу вазифа давлат бошқаруви тизимида прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириб, уларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлайди. Дарҳақиқат, прокуратура нафақат ички назоратни амалга оширади, балки халқаро ҳуқуқий майдонда ҳам мамлакат манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим институт сифатида фаолият юритади.

Прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашишда, айниқса, трансмиллий жиноятлар, терроризм, коррупция, ноқонуний миграция, одам савдоси ва наркотик моддалар савдосига қарши биргаликда ҳаракат қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Бош прокуратура томонидан хорижий давлатлар

прокуратуралари, халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан доимий мулоқот ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Бош прокуратураси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ҳамда бошқа қатор нуфузли халқаро институтлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб бормоқда. Бу ҳамкорлик доирасида жиноятларнинг олдини олиш, тергов ва суд жараёнларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маълумотлар билан алмашиш ҳамда мутахассисларни тайёрлаш бўйича қатор кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хорижий ҳамкорлар билан икки томонлама шартномалар ва келишувлар имзоланиб, улар асосида турли йўналишлардаги ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Жумладан, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш, экстрадиция, жазони ижро этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш каби масалалар бўйича самарали тизим шакллантирилган.

Бош прокуратуранинг халқаро фаолияти нафақат ҳуқуқий жараёнларни мувофиқлаштириш, балки жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистоннинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фаолият орқали мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устувор қимматлик сифатида тан олган ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик прокуратура органлари ходимларининг касбий малакасини ошириш, хорижий тажрибани ўрганиш ва замонавий ҳуқуқий технологияларни амалиётга жорий этишда муҳим ўрин тутди. Бош прокуратура тизимида халқаро ўқув марказлари ва семинарлар ташкил этилиб, бу ерда хорижий экспертлар иштирокида ўқув дастурлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ва ахборот асрида жиноятчиликнинг янги шакллари вужудга келаётгани сабабли, уларга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бунда прокуратура органлари нафақат ички хавфсизликни таъминловчи, балки халқаро барқарорликни қўллаб-қувватловчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси халқаро майдонда ишончли ҳамкор сифатида ўз мавқеини мустаҳкамламоқда ва бу орқали мамлакатимизда қонун устуворлиги, адолат ва ҳуқуқий тенглик тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим рол ўйнамоқда.

Хусусан, «жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, коррупция, экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш»[15] юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Буларнинг барчаси жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини, жумладан прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка янада кенг жорий этиш заруратини талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартлари прокуратура функцияларини амалга оширишда халқаро йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги босқичда халқаро стандартларни ишлаб чиқиш нафақат универсал давлатлараро халқаро ташкилотлари, балки ноҳуқуматлараро ташкилотлар, хусусан Халқаро прокурорлар ассоциацияси (кейинги ўринларда – ХПА деб юритилади) томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Бу ташкилот халқаро ҳуқуқий муносабатларда муҳим рол ўйнаб, прокуратура органларининг самарали фаолияти учун ягона халқаро мезонлар, этик қоидалар ва илғор амалиётларни белгилашга қаратилган.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси 1995 йилда БМТнинг Вена шахридаги идорасида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади — дунё прокурорлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ягона ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат. Ассоциациянинг ташкил этилиши халқаро ҳуқуқни ривожлантиришда, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим кадам бўлди.

ХПА БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) ҳузурида махсус маслаҳатчи мақомига эга бўлиб, бу унинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширган. Ассоциация ўз фаолиятини БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлари, жиноятчиликка қарши кураш бўйича конвенциялари ҳамда бошқа халқаро шартномалар асосида амалга оширади.

Ассоциациянинг асосий вазифаларидан бири – прокурорлар учун халқаро этик стандартларни белгилаш ва уларнинг касбий мустақиллигини таъминлашга қўмаклашишдир. Шунингдек, у жаҳон миқёсидаги жиноятчилик тенденцияларини таҳлил қилади, илгор тажрибаларни ўрганади ва уларни аъзо давлатлар прокуратура органлари фаолиятига татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

ХПAnинг аъзолари орасида жаҳоннинг деярли барча минтақаларидан прокурорлар, ҳуқуқшунослар ва илмий ҳамжамият вакиллари мавжуд. Ассоциация ҳар йили халқаро конференциялар, илмий-амалий форумлар ва семинарлар ташкил этади, бу тадбирларда жиноятчиликнинг янги шакллари, тергов амалиётидаги инновациялар ва прокуратура фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, ХПА жиноятчиликка қарши курашишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, айниқса, трансмиллий жиноятлар, терроризм, коррупция ва одам савдосига қарши курашда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ташкилотнинг тавсиялари кўпгина мамлакатлар қонунчилигида, жумладан, прокуратура фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш соҳасида акс этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳам ХПА билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, бу ҳамкорлик доирасида прокурорлар малакасини ошириш, халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий этиш ва ҳуқуқий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ассоциация аъзолиги мамлакатимиз прокуратура органлари учун халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш имконини яратмоқда.

Шунингдек, ХПAnинг асосий принципларидан бири — “Прокурорнинг касбий одоби ва халқаро стандартлари кодекси” бўлиб, у прокурорлар фаолиятида холислик, қонунийлик, адолат ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Бу қоидалар халқаро амалиётда юқори даражада тан олинган ва кўплаб давлатларда прокуратура фаолиятини баҳолаш мезони сифатида хизмат қилмоқда.

Унинг яратилишига трансмиллий жиноятларнинг кўпайиши сабаб бўлди. Унинг расмий очилиш маросими 1996 йил сентябрь ойида Будапештда ассоциациянинг биринчи умумий йиғилишида бўлиб ўтди. Жиноятчиликка қарши курашиш учун ХПА прокуратура фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидан борди. ХПА мақсади глобал миқёсда прокурорлар ахлоқи ва касбий хулқ-атворининг юқори стандартларини ўрнатишдан иборат бўлиб, ушбу стандартларнинг қўллаб-қувватловчи устунлар қонунийлик, адолатлилик, холислик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш йўлида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда UNODC деб юритилади) билан биргаликда ХПА прокуратура фаолияти учун халқаро стандартларни белгиловчи йўриқномаларни яратди [16].

Прокуратуранинг халқаро стандартлари прокурорларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият тамойиллари, прокуратура органларини ташкил этиш ва тузилмасига қўйиладиган талаблар,

лавозимга тайинлаш, малакасини ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

БМТ шафелигида фаолият юритаётган ХПА саъй-ҳаракатлари барча прокуратура органлари учун умумий бўлган қуйидаги вазифаларни максимал даражада амалга оширишга қаратилган:

жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган барча шахсларнинг самарали, адолатли, холис ва таъсирчан таъқиб этилишига кўмаклашиш;

12.10.1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоялаш;

жиноий одил судловни амалга оширишнинг юқори стандартлари ва тамойилларига кўмаклашиш, шу жумладан, судлар хатоларига йўл қўймаслик ёки уларни тузатишга интилган ҳолда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш;

жиноий судлов амалиётига жиноятларни ҳаққоний ва мустақил таъқиб қилиш учун халқаро миқёсда зарур деб эътироф этилган стандартлар ва тамойилларни жорий этишга кўмаклашиш;

прокурорларнинг тезкор ва самарали халқаро ҳамкорлигига кўмаклашиш ҳамда уларга жиноятнинг уюшган ва бошқа турларига қарши курашда, биринчи навбатда, далилларни тўплаш ва тақдим этишда, оғир ва ўта оғир жиноятлардан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилишда, қочқин жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортишда кўмаклашиш;

прокурорларга давлат бошқарувида коррупцияга барҳам бериш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни амалга оширишда кўмаклашиш;

прокурорларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш ва уларнинг жиноий одил судловни амалга оширишдаги муҳим ролини кучайтириш;

алоҳида прокурорлар ва прокуратура органлари ўртасида дўстона муносабатларни сақлаш, иш тажрибасини алмашиш, улар ўртасида касбий материаллар ва маълумотларни, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноят процесси соҳасида халқаро ва суд ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

қиёсий жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек, ўз мамлакатларида суд-ҳуқуқ ислохотлари лойиҳаларида иштирок этаётган прокурорларга ёрдам бериш [17].

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ХПА 1999 йил апрель ойида “Прокурорларнинг касбий масъулияти стандартлари ва асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги баёнот”[18] ни ишлаб чиқди ва қабул қилди, унда қуйидаги асосий қоидалар белгиланди:

прокурорларнинг ўз касбий вазифаларини мустақил равишда ва ушбу стандартларга мувофиқ бажариш қобилиятини таъминлаш учун прокурорлар ҳукуматларнинг ўзбошимчалик ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши керак;

прокурорлар ўз касбий вазифаларини қўрқитиш, тўсиқлар, таъқиблар, қонунга хилоф аралашувлар, ассий равишда фуқаролик, жиноий ёки бошқа жавобгарликка тортилмасдан бажариш ҳуқуқига эга бўлиши керак;

прокурорлар ўз касбий вазифаларини лозим даражада бажаришлари натижасида шахсий хавфсизлигига таҳдид туғилганда, уларнинг оила аъзолари билан биргаликда ҳокимият органлари томонидан жисмонан ҳимоя қилиниши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу халқаро стандартлар “юмшоқ ҳуқуқ” нормаларига тааллуқлидир ва давлатларни прокуратура фаолияти соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришни тавсия этишга чақиради, лекин шу билан бирга, айтиш жоизки, Ўзбекистон давлати ўз миллий қонунчилигида прокуратура фаолиятининг халқаро стандартларини деярли тўлиқ акс эттирган.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А(Ш) резолюцияси билан қабул қилинган ва 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (The Universal Declaration of Human Rights, adopted by the UN General Assembly by resolution 217 A (III) and proclaimed on 10 December 1948)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declhr.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml)
2. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (International Covenant on Civil and Political Rights, adopted by the UN General Assembly on 16 December 1966 and entered into force on 23 March 1976)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactpol.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml)
3. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 19 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг факультатив протоколи (Optional Protocol to the International Covenant on Civil and Political Rights, adopted by the UN General Assembly resolution of 19 December 1966)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactpro1.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpro1.shtml)
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив протоколи (Second Optional Protocol to the International Covenant on Civil and Political Rights Abolishing the Death Penalty)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/deathpro.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/deathpro.shtml)
5. 1984 йилги Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция (1984 Convention against Torture and Other Cruel, Inhuman or Degrading Treatment or Punishment)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/torture.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/torture.shtml)
6. БМТ Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (UN Standard Minimum Rules for the Treatment of Prisoners)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/prison.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/prison.shtml)
7. БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар бўйича Конгресси томонидан қабул қилинган ва БМТ 1957, 1977, 1984 йилларда ўтказилган Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳужжат (A document adopted by the United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders and approved by the United Nations Economic and Social Council in 1957, 1977, and 1984.)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/detent.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/detent.shtml)
8. 1990 йилги Қамок олиш билан боғлиқ бўлмаган шахслар учун БМТнинг минимал стандарт қоидалари (UN Standard Minimum Rules for the Treatment of Persons Not Subject to Detention, 1990) [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/tokyo\\_rules.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/tokyo_rules.shtml)
9. Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар (Standard Minimum Rules for Juvenile Justice)  
[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/beijing\\_rules.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml)
10. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича куч ва ўқ отар қуроқларни қўллашнинг асосий тамойиллари (Basic principles of the use of force and firearms by law enforcement officials) [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/firearms.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/firearms.shtml)
11. Прокуратура ходимларининг касбий маъулияти стандартлари ва асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг Декларацияси (Declaration of the standards of professional responsibility and basic obligations and rights of prosecutor's office employees)  
<https://cyberleninka.ru/article/n/koordiniruyuschaya-rol-mezhdunarodnoy-assotsiatsii-prokurorov-v-borbe-s-prestupnostyu>
12. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли тамойиллар (Principles relating to the activity of persons carrying out judicial prosecution)  
<http://hrlibrary.umn.edu/russian/instreet/Ri4grp.html>

- 13.** Хуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг ўзининг ҳуққ атвор кодекси (Law enforcement officials' own code of conduct) [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/code\\_of\\_conduct.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml)
- 14.** БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (United Nations Office on Drugs and Crime) <https://uzlaw.uz/product/zhinoyatchilikka-arshi-kurashishda-zbekiston-respublikasi-prokuratura-organlarining-hal-aro-amkorli/>
- 15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 dated February 7, 2017 // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70)
- 16.** Джуманазарова В.К., Реховский А.Ф. «Международные стандарты деятельности прокуратуры» / В.К.Джуманазарова, А.Ф. Реховский // ADVANCES IN LAW STUDIES. – Том 5. – № 1. – 2017. (Jumanazarova V.K., Rekhovsky A.F. “International standards of the prosecutor’s office” / V.K. Jumanazarova, A.F. Rekhovsky // ADVANCES IN LAW STUDIES. - Vol. 5. - No. 1. - 2017.) URL: <https://riorpub.com/ru/nauka/article/11703/view>
- 17.** О минимальных стандартах безопасности и защиты прокуроров и их семей: декларация Международной ассоциации прокуроров 2008 года. (On minimum standards for the safety and security of prosecutors and their families: a 2008 declaration of the International Association of Prosecutors.) URL: <https://genproc.gov.ru/>
- 18.** Стандарты профессиональной ответственности и положение об основных обязанностях и правах прокуроров от 23 апреля 1999 года: [в редакции от июня 2017 года]. (Standards of Professional Responsibility and Regulations on the Fundamental Duties and Rights of Public Prosecutors of April 23, 1999: [as amended June 2017].) URL <https://genproc.gov.ru/>

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000